



Э.Т. ХОЖИЕВ, М.Х. РУСТАМБАЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ
ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК
УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

ТОШКЕНТ – «О‘ЗБЕКISTON» – 2016

УЎК: 342.573
КБК 67.400.5(5Ў)
Ў 32

Мазкур рисолада сайлов жараёнида қонун ҳужжатлари нормаларини бузиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишга у ёки бу тарзда тўқинлик қилиш ёхуд чеклаш ҳолатлари учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик масалалари, шунингдек, бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ва амалиёти тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-28-881-2

© Ўзбекистон Республикаси Марказий
сайлов комиссияси, 2016

© Э.Т. Хожиев, М.Х. Рустамбаев, 2016

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Ўзбекистон халқининг бош мақсади демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш бўлиб, бунда халқнинг хоҳиш-иродаси бирламчи манба сифатида эътироф этилади ҳамда умуминсоний қадриятларни улуғлаш ва халқаро умумэътироф этилган қоидаларнинг устуворлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи бутун дунёда эътироф этилган энг муҳим конституциявий-сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у сайловчиларга вақти-вақти билан ўтказиладиган сайловлар орқали давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига, ўзи танлаган вакиллари юбориш воситаси сифатида жамият ва давлат ишларини бошқаришда билвосита қатнашиш имкониятини беради.

Ҳуқуқий давлат йўлини танлаган мамлакатларда демократик жараёнларнинг ривожланиши уларда амал қилаётган сайлов қонунчилиги нормалари орқали ҳам белгиланади. Фуқароларга очик, эркин ва адолатли сайловлар ёрдамида ҳокимиятнинг вакиллик органларини шакллантириш учун қонунчилик билан қафолатланган имкониятлар демократик сайловларни янада ривожлантириш учун бирламчи шарт-шароит яратишнинг асосий омиллари бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 1 июлдан кучга кирган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни демократик ислохотларни чуқурлаштириш, кўппартиявийликни амалда

ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини кучайтиришга ва миллий сайлов тизимини янада такомиллаштиришда хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилигига оид ислохотлар натижасида амалдаги сайловга оид норматив-ҳуқуқий база, жаҳон сайлов меъёрларини ўзида мужассам этган ва миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг барча муҳим замонавий принциплари ва нормалари талабларига жавоб берадиган даражага етказилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади» деган қонуннинг белгилаб қўйилганлиги, мамлакатимизда демократик сайловларнинг улкан аҳамиятидан дарак беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», деган қонуннинг ўрнатилиши, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этишининг ҳуқуқий кафолатини белгилаб берди.

Мамлакатимизда мустақилликка эришган вақтдан бошлаб ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга қаратилган изчил ислохотлар олиб борилди. Бу ислохотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистонда энг илғор демократик талабларга асосланган миллий сайлов қонунчилиги яратилиб, унда эркин ва демократик талабларга мос сайлов жараёнини ташкил қилишга қодир ҳуқуқий тартиб-таомиллар ўз аксини топди.

Сўнги йилларда сайлов қонунчилиги тобора такомиллашиб, тўпланган тажрибалар кенгайиб, жамият ҳаётида демократик аънаналар мустаҳкам ўрин топмоқда.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳеч қандай тўсқинликсиз, очиқ ва ошқора шароитларда, қонунларга тўлиқ риоя қилинган ҳолда амалга оширишлари уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг энг муҳим кафолатларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари давлат ҳимоясига олинганлиги белгилаб қўйилган бўлиб, сайлов қонунчилигида белгиланган талаблардан ташқари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашга мутлақо йўл қўйилмайди.

Сайловларда турли кўринишдаги қонунбузилишлари ва фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини ғайриқонуний равишда чеклаш ҳолатлари ҳам кузатилиши эҳтимолдан холи эмас. Бундай ҳолатлар юз бермаслиги ва уларнинг олдини олиш учун, аввало, сайлов қонунчилиги талабларини ҳар бир сайловчи ҳамда сайлов жараёнининг бошқа иштирокчилари яхши билишлари зарур.

Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида ҳам жаҳон амалиётида мавжуд бўлганидек сайлов қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик белгиланган. Юридик жавобгарлик фуқароларнинг манфаатларини таъминлаш ҳамда сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда ҳуқуқ-тартибот ўрнатишнинг ҳуқуқий воситаси сифатида намоён бўлади. Шунингдек, юридик жавобгарликни сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари: умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва эркин сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз беришни таъминловчи ҳуқуқий кафолатлардан бири сифатида тушуниш мумкин.

Ана шу боис, одатда, юридик жавобгарлик деганда – ҳуқуқ нормалари талабларини бузувчи субъектларга нисбатан махсус ваколатли давлат органлари томонидан қонунларда кўзда тутилган давлат-мажбурлов чораларининг қўлланилиши ту-

шунилади. Бундай ҳолларда ҳуқуқбузарга нисбатан шахсий ёки мулкӣ йўсиндаги муайян чеклашлар, яъни қонунларда белгиланган таъсир чоралари – санкциялар юридик жавобгарлик сифатида қўлланилади.

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун амалдаги қонунларда конституциявий, маъмурий ва жинойӣ таъсир чоралари назарда тутилган. Давлат томонидан қўлланиладиган таъсир чораларининг ҳар бири муайян асослар, санкциялар, субъектлар таркиби, амалга оширилишининг процессуал шакллари билан бир-биридан фарқланади.

Сайловга оид қонунлар ижтимоӣ ҳаёт ва амалиёт билан бевосита боғлиқ бўлиб, кишилар ўртасидаги турли ижтимоӣ муносабатларни тартибга солиш билан бирга, уларда қонунга сўзсиз бўйсунуш таомилини шакллантириш орқали, давлат ва жамиятнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Ҳуқуқӣ давлатда ҳар қандай қонун сўзсиз ва оғишмай бажарилиши лозим. Шундай экан, 2016 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини қонунийлик тамойиллари асосида ўтказиш барча жамият аъзолари учун масъулиятли вазифа ҳисобланади. Бунинг учун, аввало, қонун талабларини мукамал билиш баробарида унинг ўзига хос хусусиятларини ўзлаштириш ва ушбу нормаларни бузиш ёки инкор қилиш муайян жавобгарликни келтириб чиқаришини унутмаслик фойдадан холи бўлмайди. Ана шу маънода бу масаланинг айрим жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Жавобгарлик – давлат функцияланишини таъминловчи асосий воситалардан бири бўлиб, жамиятни ҳар хил ҳуқуқбузарликлардан муҳофаза этиш, конституциявий нормалар ва принципларни ҳимоя қилиш воситасигина эмас, балки ҳуқуқӣ хулқ-атворни, қонунийлик ва демократияни, шунингдек, тартибга солиш самарадорлигини кафолатловчи восита ҳамдир.

Ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти қонун ҳужжат-

лари билан белгилаб берилган принципларга асосланади. Принциплар умуммажбурийлик хусусиятига эга бўлиб, турли жараёнлар ўртасидаги ички бирликни, уйғунликни ва ўзаро алоқадорликни таъминлашга кўмаклашади. Айнан мана шу бошланғич қоидалар (принциплар)га таянган ҳолда давлат фаолияти ташкил этилади ва амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида сайлов жараёнидаги қонунбузилишлари учун конституциявий-ҳуқуқий таъсир чоралари, шунингдек, маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари назарда тутилган.

Конституциявий-ҳуқуқий таъсир чоралари юридик жавобгарликнинг чоралари каби ҳуқуқбузарликни ижтимоий ва юридик жиҳатдан таъқиб остига олишга асосланган ҳамда ҳуқуқбузар учун муайян салбий оқибатларни келтириб чиқаришда ифодаланадиган давлатнинг мажбурлов чораси саналади. Ушбу мажбурлов чораси, масалан, сайлов жараёни иштирокчиларига муайян мақомни бермаслик ёки ундан маҳрум қилиш чоралари билан боғлиқдир.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун конституциявий-ҳуқуқий таъсир чораларининг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги (1991 йил 18 ноябрь), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (2003 йил 29 август), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги (1994 йил 5 май), «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (1994 йил 5 май), «Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги (1998 йил 30 апрель) Ўзбекистон Республикасининг Қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун белгиланган конституциявий-ҳуқуқий таъсир чораларини, айрим ҳолларда сайлов ҳуқуқи бўйича жавобгарлик деб ҳам аташади.

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун конституциявий-ҳуқуқий таъсир чораларининг асосини сайловга оид консти-

туциявий-ҳуқуқий нормаларни бузишга қаратилган ҳуқуқ-бузарликни содир этиш ҳисобланади ҳамда у ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан белгиланган процессуал шаклда муайян мажбурлов чораларини қўллашда ифодаланади.

Сайлов қонунчилигида белгиланган конституциявий-ҳуқуқий таъсир чоралари ҳам барча ҳуқуқий чоралар ёки санкцияларга хос бўлган умумий белгиларга эга, жумладан, содир этилган қонунбузилиши давлат томонидан салбий баҳоланади, давлат мажбурлов чорасини қўллашликни келтириб чиқаради, шахсий ёки мулкӣ хусусиятдаги чекловларда ифодаланади ва ҳ.к.

Сайлов қонунчилигида белгиланган конституциявий-ҳуқуқий чораларнинг ўзига хослиги, авваламбор, уларнинг хилма-хиллигида кўринади. Улар конституциявий-ҳуқуқий чорани қўллаш мақсади ва оқибатларига қараб қуйидаги турларга ажратилади:

- а) олдини олувчи;
- б) огоҳлантирувчи;
- в) ҳуқуқни тикловчи;
- г) жазоловчи ва бошқалар.

Конституциявий-ҳуқуқий таъсир чоралари муайян конституциявий-ҳуқуқий мақомни бермаслик ёки ундан маҳрум қилиш билан, юридик аҳамиятга эга бўлган натижаларни бекор қилиш (ҳақиқий эмас деб топиш) билан боғлиқ, бу чораларнинг айримлари эса мулкӣ хусусиятга эга.

Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига кўра, *Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари* қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бевосита ёки уни аъзоликка тавсия этган органнинг тақдимномаси бўйича *тўхтатилиши мумкин*:

– у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;

– у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;

– унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

– у ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан узил-кесил қарорлар чиқариши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонун жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлиги ҳақидаги материалларни прокуратура органларига ошириши белгилаб қўйилган.

Мазкур Қонуннинг 24²-моддасига биноан эса Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонуннинг 26-моддасига биноан сиёсий партия у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан етти кун қолганида бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум эти-

лиши мумкин. Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод уни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия фаолиятини тугатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз мақомидан маҳрум этилиши мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига кўра *комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш* ҳуқуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси қонун талабларини бузгани ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келгани тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси аъзосига нисбатан чора кўриш, яъни уни ваколатларидан маҳрум этиш Марказий сайлов комиссиясига; участка сайлов комиссияси аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш – округ сайлов комиссиясига; Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни ўтказувчи вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш – тегишли халқ депутатлари Кенгашига; округ сайлов комиссияси аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш – тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига; участка сайлов комиссияси аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш – тегишли туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партиянинг *сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини рад этиш* тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20–21-моддаларида белгиланган қоидаларда ўз аксини

топган. Жумладан, мазкур Қонуннинг 20-моддасида «Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади» тарзидаги қоида мустаҳкамланган. Қонунда белгиланган муддатларда ҳужжатларни топширмаслик, имзо варақаларида имзоларнинг сохталаштирилиши, партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги аризанинг ёки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотноманинг мавжуд бўлмаслиги сиёсий партиянинг сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини рад этиш каби чорани қўллашга асос бўлади.

Депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларида «Сиёсий партия у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин»лиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, қонун ҳужжатларида «Сиёсий партия, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс тегишли вилоят, туман ёки шаҳар сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин», «сиёсий партия фаолиятининг тугатилганлиги депутатликка номзодни шу партиядан сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этади» каби қоидалар ҳам мавжуддир.

Округ ва участка сайлов комиссияларининг қарорларини бекор қилиш билан боғлиқ жиҳатлар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 11,13-моддаларида, шунингдек, «Халқ депутатлари

вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида белгиланган.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг қарорларини, агар бу қарорлар сайлов тўғрисидаги қонунларга зид бўлса, ўз ташаббуси билан мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади.

Округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади, башарти, участка сайлов комиссияси қарорлари сайловлар тўғрисидаги қонунларга зид бўлса, мустақил тарзда ёки юқори сайлов комиссиялари томонидан бекор қилиниши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат мажбурловини ёки жавобгарликни белгилашнинг асосий мақсади жазолаш эмас, балки қонунчиликда назарда тутилган умумий мақсадларга эришишга қаратилган бўлиб, улар жамиятдаги турли муносабатларнинг мустаҳкамланишига, ҳуқуқий тартибни сақлашга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларига, давлат ва жамият манфаатларига риоя этилишига, инсонни қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигини бузганлик учун белгиланган конституциявий-ҳуқуқий таъсир чоралари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини самарали амалга ошириш ва сайлов жараёни иштирокчиларининг сайлов қонунчилигига тўлиқ риоя қилишларини таъминлаш механизминини мустаҳкамлайди.

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун қўлланиладиган жавобгарлик чораларидан бири – бу маъмурий жавобгарликдир. **Маъмурий жавобгарлик** қонунлар билан ҳам, қонуности ҳужжатлари билан ҳам ўрнатилиши мумкин, унинг асосини ҳуқуқбузарлик ташкил этади, жавобгарлик субъекти сифатида фуқаролар ва мансабдор шахслар намоён бўлади, маъмурий жазо чораларида ифодаланади.

Маъмурий жавобгарлик, одатда, маъмурий қонунчилик нормаларининг талаблари бузилган тақдирда вужудга келади. Лекин шу билан бирга, амалдаги қонунчилик, маъмурий жавобгарликнинг конституциявий, меҳнат, молия, ер ва бошқа ҳуқуқ нормаларининг бузилиши учун ҳам қўлланилиши мумкинлигини назарда тутати. Бу ўз навбатида, маъмурий жавобгарликнинг соҳалараро аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан кучга киритилган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖТК)нинг 1-моддасида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларидан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2014 йил 4 сентябрдаги Қонунига биноан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси илк маротаба «Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» деб номланган янги боб билан тўлдирилди. Мазкур бобда сайлов жараёнида содир этилиши мумкин бўлган қонунбузилишлари учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи 8 та модда (51²–51⁹–моддалар) ўз ифодасини топди.

МЖТҚда сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар таркибидаги айрим ҳуқуқбузарликлар билан танишиб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиви, уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириши.

Ушбу ҳуқуқбузарлик «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунининг 2¹-моддасида кўрсатиб ўтилган «Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади. Марказий сайлов комиссияси аъзолари қарор қабул қилишда сиёсий тамойиллар ва бошқа ёт таъсирлардан холи бўлган ўз нуқтаи назарини билдиради. Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига аралашивга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади», деган қонуннинг бузилишига олиб келади. Мазкур ҳуқуқбузарлик фақатгина мансабдор шахс томонидан содир этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, уларнинг муносабатларини кўриб чиқишни гайриҳуқуқий равишда рад

этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига биноан сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасида эса «Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдумни ўтказиш комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир», деган нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунга ўхшаш норма «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида ҳам назарда тутилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатларининг нормаларига амал қилинмаса, яъни сайлов комиссияларининг қарорлари ёки мурожаатлари ўз вақтида, тўлиқ кўриб чиқилмаса ёки ижро этилмаса, қонунда белгиланган маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради. Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг субъекти сифатида мансабдор шахслар намоён бўлади.

Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлиши, ишончли вакилларнинг номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам бериши, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб бориши кўрсатиб ўтилган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига биноан сайловга тайёр-

гарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ушбу қонуннинг 28-моддасида эса депутатликка номзод ўн нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши, ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юриштиши, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қилиши белгилаб берилган.

Амалдаги қонун ҳужжатларида сайлов жараёнида номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқлари аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, уларнинг бузилиши тегишли равишда жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин. Ҳуқуқбузарликларнинг субъекти сифатида мансабдор шахслар намоён бўлади.

Бундан ташқари МЖТКда:

- *сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориши шартлари ва тартибини бузганлик;*

- *сайлов натижаларига таъсир кўрсатиши мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлгон маълумотларни эълон қилиши ёки бошқа усуллар орқали тарқатиши;*

- *биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриши ва сайлов ёки референдум ўтказиши жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориши ёки уларга қасддан шикаст етказиши;*

- *сайловни ёки референдумни молиялаштириши тартибини бузганлик;*

• *жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек, сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузганлик* учун ҳам маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Амалдаги қонун ҳужжатларида мазкур ҳуқуқбузарликларнинг барчасида субъект сифатида мансабдор шахслар намоён бўлади. Лекин айрим ҳуқуқбузарликлар борки, улар учун фуқаролар ҳам жавобгарликка тортилишлари мумкин. Масалан, фуқаролар:

биринчидан, сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиши ёки бошқа усуллар орқали тарқатиши;

иккинчидан, биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориши ёки уларга қасддан шикаст етказиши;

учинчидан, сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Ваколатли мансабдор шахс томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисида баённома тузилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада:

– шу баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

– ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;

– агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари;

– ҳуқуқбузарнинг тушунтириши;

ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Башарти ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади, гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса – баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек, мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий

хукукбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.

МЖТКда сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги хукукбузарликлар учун жавобгарлик сифатида фақатгина маъмурий тартибда жарима назарда тутилган. Жарималар миқдори фуқаролар учун энг кам иш ҳақининг уч бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса энг кам иш ҳақининг уч бараваридан йигирма бараваригача белгиланган.

МЖТКнинг 33-моддасига биноан суд маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва хукукбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабаблар ва асосларни албатта кўрсатиб, ушбу Кодексдаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаши мумкин.

МЖТКнинг 21-моддасида содир этилган маъмурий хукукбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд хукукбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкинлиги белгиланган.

Хукукбузарга нисбатан маъмурий тартибда жарима жазоси қўлланилганда хукукбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда – шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай жарима тўланиши лозим.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мустақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда, жарима уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади.

Хукукбузар жаримани белгиланган муддат ичида тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан

ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Башарти жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, пенсияси ёки стипендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида қарор асосида ҳуқуқбузарнинг мулкидан, шунингдек, умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шарт.

Қонунга биноан маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, маъмурий жазога тортилмаган, деб ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг амалдаги Жиноят кодексида сайлов қонунчилигини бузганлик учун *жиноий жавобгарлик*ни назарда тутувчи алоҳида нормалар мавжуд. Жумладан, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилиши билан боғлиқ бўлган қилмишлар Жиноят кодексининг 146-моддасида қатъий белгилаб қўйилган. Булар: сайловлар ёки референдумни ташкил қилиш пайтида мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, сайлов ёхуд референдум комиссияларининг аъзолари томонидан содир этилган қонунбузарликлардан, хусусан, *овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ҳужжатлари ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, бюллетенлар ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш*дан иборат.

Мазкур жиноят содир этилган ҳолларда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи бўлмиш сайлов ҳуқуқи ва сайловлар-

ни ташкил қилиш ҳамда ўтказиш бўйича белгиланган тартиб бузилади.

«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига асосан, сайловчилар хоҳиш ва иродаларини эркин ифодалаш ҳамда яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Участка сайлов комиссиялари овоз бериш учун махсус хоналар ажратиш орқали фуқаролар хоҳиш ва иродаларининг эркин ифодаланишига имкон берадилар. Яширин овоз бериш сайловчининг ўз иродасини ифодалашни устидан ҳеч бир назорат йўқлигини назарда тутди.

Овоз беришнинг яширинлигини бузиш деганда, сайлов катнашчисининг хоҳиш ва иродасини билиб олиш ниятида вужудга келган вазият учун амалга оширилган у ёки бу ҳаракат (ҳаракатсизлик) тушунилади. Бу сайлов участкаларининг яширин овоз беришни кафолатловчи махсус кабиналарсиз қолдирилиши; сайловчини бундай кабинага киритмаслик; кабинага кириб, овоз бериш жараёнини кузатиш; тўлдирилган бюллетенларни ғайриқонуний равишда кўриб чиқиш; сайлов бюллетенларини номерлаш ва ҳоказоларда намоён бўлиши мумкин.

Сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш асл (расмий) ҳужжатларга ёлғон, яъни ҳақиқатга зид маълумотларни киритишда ўз аксини топади. Ваҳоланки, ҳужжатнинг аслига тўғри эканлигидан далолат берувчи барча хусусият ва реквизитлар сақланади. Шунингдек, ҳужжатларни қалбакилаштириш, аниқроғи, шаклан ва мазмунан сохта ҳужжатларни яратиш ёки асл ҳужжатга қисман хато ўзгартириш киритиш ҳам қалбакилаштиришга мисол бўлади. Ҳар икки ҳолатда ҳам қалбакилаштириш сайловда катнашаётган шахснинг хоҳиш-иродасини бузиб кўрсатаётганлигини эътиборга олиш лозим.

Сайлов бюллетенлари ёки сайлов варақаларига сохта ёзув киритилиши, моҳиятан, сайлов ҳужжатларини қалбакилаштиришнинг бир кўриниши бўлиб, асл ҳужжатга ҳа-

қиқатга зид ёзув (маълумот)ларни киритишда ўз ифодасини топади ва бунда ҳужжат асл хусусият ва реквизитларни сақлаб қолади.

Овозларнинг атайлаб нотўғри ҳисобланиши – сайлов натижаларини қасддан нотўғри ҳисоблаш, яъни у ёки бу номзод учун берилган «тарафдор» ва «қарши» овозлар сонини ошириш ёки камайтириш ёхуд сайлов натижаларини қасддан нотўғри кўрсатишда намоён бўлади.

Мазкур жиноят 18 ёшга тўлган мансабдор шахс, сиёсий партия ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, сайлов комиссиялари аъзолари томонидан содир этилган бўлиши мумкин.

Мансабдор шахс – бу доимий, вақтинча ёки махсус ваколатга кўра ҳукумат вакилининг функцияларини бажарувчи, ёки давлат органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат идораларида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик функцияларини бажарувчи шахс;

доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш (ЖКнинг 147-моддаси) фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга

оширишларига, шунингдек, фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилишда ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 147-моддасида назарда тутилган жиноят содир этилганда фуқаронинг сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғибот ишларини олиб бориш, референдумни ўтказишда қатнашиш ҳуқуқлари бузилади.

Сайловолди тарғибот ишларини олиб бориш ҳуқуқи – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда қатнашиш, шунингдек, қонун ва меъёрий-ҳуқуқий акт лойиҳалари, амал қилиб келинаётган қонун ва меъёрий-ҳуқуқий актлар, бошқа муҳим давлат масалалари бўйича овоз беришдан иборат конституциявий ҳуқуқи.

Тўсқинлик қилиш сайловчининг сайлов ҳуқуқи (масалан, сайловолди тарғибот ишларини олиб боришни ман қилиш, сайловчилар рўйхатига киритмаслик ва ҳоказо) ёки референдумда қатнашиш ҳуқуқининг татбиқ этилишига йўл қўймаслик учун сайловчига ёки номзоднинг ишончли вакилига зўравонлик, дўқ-пўписа, ёлғон ёки пора бериш усули билан таъсир қилишни кўзда туттади.

Бу ўринда *зўрлик* деганда фуқаронинг ўз сайлаш ҳуқуқини амалга оширишига ёки ишончли вакил бўлган шахсларнинг ваколатларини ижро этишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай жисмоний таъсир тушунилади. Бундай зўравонлик енгил ёки ўртача оғирликда шикаст етказиш, зарба бериш, ноқонуний равишда озодликдан маҳрум этиш ва бошқа шаклда намоён бўлиши мумкин.

Кўрқитиш – жабрланувчи сайлаш ҳуқуқидан фойдаланган ёки ишончли вакил ваколатларини бажарган тақдирда, унинг қонун томонидан ҳимоя қилинган шахсий манфаатлари (ҳаёти, саломатлиги, мол-мулки, шаъни, ғурури ва бошқалар) га ёки қариндош ва яқинларига зарар етказиш ҳақида турли усул билан (ёзма, оғзаки, ишора ва бошқалар) баён этилган руҳий-маънавий тазйиқ.

Алдаш деганда, шахсга сайловларда қатнашиш, сайловолди тарғибот ишларини олиб бориш ҳуқуқи борасида қасддан хато маълумот бериш, шунингдек, овоз бериш санаси, жараёни, вақти, манзили, бюллетенларни тўлдириш тартиби ва фуқаронинг сайловолди кампанияларда ҳамда сайловларда эркин қатнашиши учун зарур бўлган шу каби маълумотларни нотўғри етказиш назарда тутилади.

Оғдириб олиш деганда, сайловолди кампанияларида, сайловларда иштирок этмаслик эвазига шахсга ёки сайлов комиссияси аъзосига сайлов комиссиясининг ишига халақит бериш эвазига тақдим этилган пул ёки турли хил имтиёз, рағбатлантиришлар тушунилади.

Сайлаш ҳуқуқи ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилган 16 ёшга тўлган ақли расо ҳар қандай жисмоний шахс жавобгарликка тортилади.

Ушбу жинойт мансабдор шахс томонидан содир этилса ва қатор бошқа зарурий жиҳатлар мавжуд бўлса, жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 147 ва 205 ёки 206-моддалари билан юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддасида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, яъни мансабдор шахс томонидан ўзининг ваколати туфайли содир этилган у ёки бу хатти-ҳаракатлар, ғаразгўйлик ёки бошқа шахсий манфаатдорликда қилинган ва фуқаролар ёки ташкилотларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ёхуд давлат ёки жамиятнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатлари жиддий бузилишига ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган фаолият учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 206-моддаси ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни мансабдор шахснинг қасддан қонун томонидан унга ҳавола этилган ўз мансаб ваколати доирасидан чиқиб, фуқаролар ёки ташкилотларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ёхуд давлат ёки жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари жиддий бузилишига давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган фаолият учун жавобгарликни назарда тутади.

Жазо тури ва муддати суд томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, жиноятга сабаб бўлган мотиви, етказилган зарарнинг хусусияти ва кўлами, айбланувчининг шахси, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Хорижий тажриба. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш масаласи нафақат миллий қонунчилигимиз, балки кўпгина хорижий давлатлар қонунчилигининг ҳам бевосита тартибга солиш объекти ҳисобланади. Биринчи навбатда бу халқаро майдонда умумэтироф этилган ҳужжатларда: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й.), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.) ва бошқаларда ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжатларда мустақамланган асосий қоидалар ва принциплар демократик ривожланиш йўлини танлаган давлатларнинг турли соҳадаги қонунчилигини, шу жумладан, жавобгарликни белгилувчи

қонун нормаларини ишлаб чиқишда ҳам йўлланма сифатида хизмат қилади.

Хорижий мамлакатлар қонунчилиги тизимидаги сайлов ҳуқуқи ва фуқароларнинг бошқа сиёсий ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарликни белгилловчи қоидаларга эътиборни қаратадиган бўлсак, маълум бир даврда уларнинг ўзгариб борганлигини кўришимиз мумкин.

Халқаро қонунчиликда ҳам сайлов ҳуқуқи ва уни амалга оширилиши борасида ноқонуний тўсқинлик қилишдан муҳофаза этиш бўйича қафолатлар белгиланган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 21-моддаси 3-бўлимида: «халқ иродаси давлат ҳокимиятининг асоси бўлмоғи лозим; бу ирода даврий ва қалбакилаштирилмаган сайловларда, умумийлик ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида, яширин ёки овоз бериш эркинлигини таъминловчи бошқа усуллар билан сайлаш орқали ифода этилиши зарур» эканлиги кўрсатилган.

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 25-моддасида: «Ҳар бир фуқаро қандай бўлмасин, бирор турдаги камситишларсиз... ва асоссиз чеклашларсиз, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яшириш овоз бериш орқали вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган ҳамда сайловчиларнинг ўз хоҳиш ва истакларини эркин ифодалаш имкони берувчи ҳақиқий сайловларда овоз бериш ҳамда сайланиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши лозим»лиги белгиланган.

Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонлари Конференцияси доирасида Копенгагенда бўлиб ўтган кенгаш ҳужжатида бу масала янада батафсилроқ ёритилган. Ушбу ҳужжатнинг 5-бандида «инсон шахсиятига хос фазилатларнинг тўлиқ ифодаланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган адолат элементлари ҳамда барча шахсларнинг тенг ва ажралмас дахлсиз ҳуқуқлари» рўйхати келтирилган. Мазкур элементлар рўйхатининг биринчи қаторида «оқилона белгиланган вақт оралиғида яширин овоз бериш ёки ўз вакилларини сайлашда сайловчиларнинг ўз хоҳиш-истакларини

амалда эркин ифодалаш имконияти таъминланадиган шароитларда ўтказиладиган эркин сайловлар» кўрсатиб ўтилган (5.1-банд).

Хужжатнинг 6-бандида иштирокчи давлатлар томонидан таъкидланишича, «улар халқаро ҳуқуқ бўйича инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўз қонунлари ва мажбуриятларига мувофиқ тарзда халқ хоҳишига кўра, эркин равишда ўрнатилган тартибни ёхуд бошқа бир иштирокчи давлатдаги ана шундай тартибни ағдариб ташлашга қаратилган терроризм ёки зўравонликни ёқловчи алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотлар фаолиятдан ҳимоялаш ва ана шу тартибни кўриқлаш учун жавобгар эканликларини тан оладилар».

Мазкур хужжатнинг 7.7-бандида «қонун ва давлат сиёсати сиёсий кампанияларнинг ҳеч қандай маъмурий хатти-ҳаракатлар, зўравонлик ёки кўркитишлар партиялар ва уларнинг номзодларини ўз қарашлари ва баҳоларини ошқора баён қилишга монелик кўрсата олмайдиган шарт-шароитларни, шунингдек, сайловчиларга улар билан танишиб чиқиш, уларни муҳокама қилиш ва жазоланиш хавфидан кўрқмаган ҳолда ошқора овоз беришга халақит берилмаслигини таъминлайдилар».

Бир қатор ривожланган демократик давлатларда ана шундай халқаро меъёрларга жавоб берадиган сайлов қонунчилиги қабул қилинган бўлиб, улар ўз миллий қонунларида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ҳамда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаганлар.

Ана шу давлатлардан баъзиларининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи қонунлари билан танишиб чиқамиз. Масалан, Франциянинг 1810 йилда қабул қилинган жиноят қонунчилиги икки аср давомида кўпгина Европа давлатлари жиноят қонунчилигининг шаклланиши ҳамда ривожланишига ўз таъсирини кўрсатиб келган. 1992 йилда Франциянинг янги Жиноят кодекси қабул қилиниши билан сайлов жараёни-

га тажовуз қилувчи жиноятларга нисбатан янгича ёндашув юзага келди, яъни сайлов жараёни билан боғлиқ бўлган конунбузилишлари учун жавобгарлик жиноят конунчилиги доирасидан чиқарилиб, Франциянинг Сайлов кодексида ўрнатилди.

1998 йилда Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексида ўзгартиришлар киритиш натижасида унинг «Конституциявий органлар, шунингдек, сайловлар ва умумхалқ муҳокамасига қарши жиноятлар» деб номланган 4-бобида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқига тажовуз қилувчи 10 га яқин жиноятларга нисбатан жавобгарлик белгиланди. Олдинги жавобгарлик қоидаларидан фарқли равишда, жорий этилган янги қоидалар мавҳумликдан қараганда аниқ ҳолатларни ўрнатди. Жиноят кодексида сайловларни ўтказиш ёки унинг натижаларини аниқлашга зўравонлик ёки қўрқитиш йўли билан тўсқинлик қилиш (107-параграф), сайлов натижаларини сохталаштириш (107-а параграф), сайлов ҳужжатлари (сайлов бюллетени)ни сохталаштириш (107-б параграф), сайлов сирини ошкор қилиш (107-с параграф), сайлов ҳуқуқини амалга оширишга зўравонлик йўли билан қаршилик кўрсатиш (108-параграф), сайлов ҳуқуқини амалга оширишда сайловчиларни алдаш (108-а параграф), сайлов ҳуқуқларини амалга ошираётган сайловчиларни пора ёки бошқа йўллар билан ўз томонига оғдириб олиш (108-б параграф) учун жинойий жавобгарлик белгиланган.

Охириги вақтларда Франция ҳамда Германия давлатларининг тажрибасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига тажовуз қилувчи ижтимоий хавфи паст бўлган ҳаракатлар учун жинойий жавобгарликдан маъмурий жавобгарликка қараб ўзгараётганлигини кўриш мумкин.

Швейцария Жиноят кодекси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва сайлов конунларига риоя этишни таъминлаш масалаларига бағишланган «Халқ иродасига қарши ноўрин хатти-ҳаракатлар» деб номланган махсус бўлимида, жумладан: зўрлик ишлатиш ёки қўрқитиш йўли

билан сайловга ёки овоз беришга тўсқинлик қилиш ёхуд фуқаронинг бундай ҳуқуқини бузиш (279-модда); шахснинг овоз бериш ва сайлов ҳуқуқини амалга оширишга зўравонлик ёки кўрқитиш йўли билан аралашиш (280-модда); сайловларда сайловчини ўз тарафига оғдириб олиш (281-модда); овоз бериш реестрини, сайловлар, овоз бериш ёки референдум ўтказиш учун имзолар йиғиш натижаларини сохталаштириш ёки уларни йўқотиб юбориш (282-модда); «сайловчилар овозларини йиғиш» ёки овоз бериш учун режалаштирилган тарзда бюллетенларни тўплаш, шунингдек, бу бюллетенларни тўлдириш, ўзгартириш ёки тақсимлаш (282-модда); овоз бериш ва сайловлар сирини бузиш (283-модда) сингари жиноят таркиблари ўрин олган.

Нидерландия Жиноят кодексига сайлов ҳуқуқининг амалга оширилишига зўрлик ишлатиш билан қаршилик кўрсатиш (125-параграф), сайловчиларни оғдириб олиш (126-параграф), сайловлар ёки овоз бериш натижаларини сохталаштириш (127, 129-параграфлар), расмий сайловларда ноқонуний иштирок этиш (128-параграф) учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Шундай хатти-ҳаракатлар Дания Жиноят кодексига ҳам жиноят сифатида эътироф этилади (116- ва 117-параграфлар). Ушбу мамлакат жиноий қонунчилигининг диққатга сазовор жиҳати шундаки, «маълум тартибда овоз бермаслик ёки овоз беришдан бўйин товламаслик учун» пул маблағини олувчи ёки талаб қилувчи шахслар ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин (117-параграфнинг 5-банди).

Буюк Британияда сайлов жараёнига тажовуз қилувчи қонунбузилишлари учун жавобгарлик Парламент томонидан қабул қилинган йиғма қонун ҳужжатлари билан ҳамда юқори инстанция судлари томонидан аниқ жиноят ишларини кўриб чиқиш натижасида қабул қилинган қарорлар асосида белги-ланган.

АҚШда, Буюк Британия сингари, жавобгарлик масалалари федерал миқёсда қабул қилинган қонунлар ҳамда ҳар

бир штат қонунчилиги асосида, шунингдек, суд органлари қарорлари билан тартибга солинган.

Россия Федерацияси жиноят қонунчилигида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асносида сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ёки сайлов комиссияларининг ишига тўсқинлик қилиш (141-модда), номзоднинг сайлов кампаниясини, сайлов бирлашмаларини, сайлов блоқини, референдум ўтказиш бўйича ташаббускор гуруҳ фаолиятини, референдум қатнашчиларининг бошқа гуруҳларини молиявий таъминлаш тартибини бузиш (141-1-модда), сайлов ҳужжатларини, референдум ҳужжатларини сохталаштириш (142-модда) ва ниҳоят, овоз бериш натижаларини сохталаштириш (142-1-модда) учун жавобгарлик белгиланган.

Келтирилган мисоллардан яққол кўриниб турибдики, ҳар қандай давлатнинг ўз фуқаролари сайлов ҳуқуқларини жиноий-ҳуқуқий ҳимояси механизмлари фақат шу давлатгагина хос бўлган жиҳатлари билан бир қаторда, бирмунча умумий кўринишларга ҳам эгадир. Хусусан, юқорида санаб ўтилган давлатларнинг жиноят қонунларида сайлов ҳуқуқларининг амалга оширилишига алдов, зўравонлик, кўрқитиш йўли билан тўсқинлик қилиш ёки овоз бериш сирини ошқор қилиш ва сайлов ҳужжатларини, шунингдек, сайлов ёки овоз бериш натижаларини сохталаштириш учун жавобгарлик кўзда тутилади.

Э.Т. ХОЖИЕВ, М.Х. РУСТАМБАЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК
УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

*Мухаррир С. Саидмуродов
Рассом-дизайнер Ш. Ходжаев
Бадий мухаррир Ҳ. Қутлуқов
Техник мухаррир Т. Харитоновна
Мусахҳих М. Ишонхонова
Кичик мухаррир Г. Ералиева
Компьютерда тайёрловчи Г. Қулназарова*

Нашиёт лицензияси АІ № 158, 14.08.09.
Босишга 2016 йил 14 ноябрда рухсат этилди. Бичими 60x90^{1/16}.
Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 2,0. Нашр табағи 1,73.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 16-772.

Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашиёт-магбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-84-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилигини
Ў 32 **бузганлик учун жавобгарлик.** / Э.Т.Хожиев, М.Х.Рустамбаев. /– Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016. – 32 бет.

ISBN 978-9943-28-881-2

УЎК: 342.573
КБК 67.400.5(5Ў)